

ШАМСЕМАТОВА Барно Рихсиваевна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
катта ўқитувчи
bshamsematova76@gmail.com

ЎЗБЕК ЁЗУВЧИЛАРИ АСАРЛАРИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТНИ ИФОДА ЭТУВЧИ ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ЯЗЫКОВЫХ ЕДИНИЦ, ВЫРАЖАЮЩИХ НАЦИОНАЛЬНУЮ ЦЕННОСТЬ, В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ УЗБЕКСКИХ ПИСАТЕЛЕЙ

SPECIFIC CHARACTERISTICS OF LANGUAGE UNITS EXPRESSING NATIONAL VALUE IN THE WORKS OF UZBEK WRITERS

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек ёзувчилари асарларида миллий қадриятни ифода этувчи тил бирликлари лексема, фразема ва сентенсемалар таҳлилга тортилган. Ҳамда ушбу тил бирликларининг гапда ёндош сўзлар билан келиши, сўз туркуми ва гапдаги мазмун батафсил таҳлил этилган.

Калит сўзлар: миллий қадрият, ахлоқий тарбия, тарим, тарбия, ахлоқ, миллат, ҳулқ, одоб.

Аннотация: В данной статье анализируются лексемы, фраземы и сентенсеммы, выражающие национальные ценности в произведениях узбекских писателей. Также подробно анализируются встречаемость данных языковых единиц в предложении с родственными словами, группа слов и содержание в предложении.

Ключевые слова: национальная ценность, нравственное воспитание, образование, воспитание, нравственность, нация, поведение, нравы.

Annotation: In this article, lexemes, phrases and sentences expressing the national values in the works of Uzbek writers are analyzed. Also, the occurrence of these language units in the sentence with related words, the word collocations and the content in the sentence are analyzed in detail.

Key words: national value, moral education, education, upbringing, morality, nation, behavior, manners.

КИРИШ

Ўзбек адабиётшунослиги яқиндагина ривожланиб қолган адабиётлардан эмас, балки бир неча минг йиллик тарихни ўз ичига олувчи, унутилмас асарлари билан машҳур бадиий адабиётлар туркумига мансубдир. Ўзбек адабиётида А. Навоий, З. М. Бобур, Лутфий, Юсуф хос Ҳожиб, Муқимий, Огаҳий, А. Қодирий, А. Авлоний каби тенги йўқ асарлар муаллифлари қалам тебратишган. Ҳозирги кунга келиб, адабиётшуносликка бўлган улкан эътибор туфайли бадиий адабиётимиз янада ривожланмоқда, бунинг натижаси сифатида эса турли жанрдаги ўзбек асарлари жаҳон тилларига кенг қўламда таржима қилинмоқда. Ўзбек ёзувчилари ўзларининг асарларида бадиий воситалар билан бир қаторда ўзбек миллий қадриятини ифода этувчи турли хилдаги лексемалардан моҳирона тарзда фойдаланмоқдалар. Миллий қадриятни англатувчи сўзларга мурожаат этишнинг асосий сабабларидан бири бу турдаги асарлар миллийлигимизни акс эттириб, танти ўзбек халқининг одоб-ахлоқи, маданияти, яшаш тарзини намойиш этиб беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Тадқиқотишимиз учун муҳим бўлган миллий қадриятларни таҳлил этар эканмиз, шу ўринда ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари билан, ўзбек адабиётшунослиги ривожига ўз асарлари билан салмоғли ҳисса қўшган, асарлари халқ орасида машҳур бўлган, бир неча детектив асарлар муаллифи Тохир Маликнинг “Одамийлик мулки” асарига юзланамиз. Бу асарнинг таҳлиliga юзланишимизнинг асосий сабабларидан бири ёзувчи бу асарда ўзбек халқига хос миллий қадрият, анъаналарни ифода этувчи бирликлардан моҳирона тарзда фойдаланганлигидир. Асарда асосан ахлоқий қадриятлар сирасига мансуб одоб, ахлоқ, тарбия, ҳулқ сингари лексемалар ва қадрият асосини ташкил этувчи кадр концептига алоҳида урғу бериб ўтилган. Қуйида шу хусусида батафсил фикр юритамиз.

“Одамийлик мулки” I қисм

Ушбу қисмда таҳлилимиз учун муҳим ҳисобланган ва тадқиқотимизнинг ўрганиш объекти ҳисобланган “Қадр” лексемаси 23 ўринда қўлланган бўлиб, ушбу сўзнинг айнан

кадр ва кадр-қиммат каби якка ва жуфт от шакллариға асарни таҳлил этиш асносида дуч келдик;

Қадрли, қадрдон каби сифат шакллари;

Қадрламок, қадрига етмок, қадрини билмок, қадрини йўқотмок сингари содда ва қўшма феъл шаклларида унумли қўлланилган.

Юқоридагиларга қўшимча равишда, қуйидаги парчада эса концепт мазмунини чуқурроқ англашимиз мумкин бўлади:

“Ана шундай гўзал илоҳий ахлоққа етишмоқлик барчамизга насиб этсин! Бу бахтга одамийлик мулкига эга бўлмоқлик ила эришиши мумкинлигини унутмасак бас. Юсуф Хос Ҳожиб ҳазратлари айтадиларки: “Қиз эрмас бу ялнчуқ, кишилиқ қиз ўл” (“ялнчуқ” - одам демакдир, “кишилиқ” - одамийлик, “қиз” - “қадрли” деган маънони англатади. Ҳикматнинг мазмуни: “Одамнинг ўзи қадрли эмас, одамийлиги қадрлидир[1]”).

“Улар қўшларни тўйдириш учун эмас, тутиш учун дон сепадиган овчига ўхшайдилар. Дўсти учун жонини фидо этадиган одамларнинг қадр-қиммати молини фидо этувчидан жуда ва жуда юксакдир”.

“Душман билан яқинлашган кишидан унинг дўстлари қочадилар. Сўрасаларким: “Номуносиб дўстан қандай қутулмоқ мумкин?” Жавоб булдирким: “Зиёратига бормаслик ва бирон нарса сўрамаслик билан”. Сўрасаларким: “Жондин ҳам ширинроқ нарса надир?” Жавоб булдирким: “Бегараз дўст суҳбати”. Сўрасаларким: “Кимлар билан дўстлашмоқ мумкин?” Жавоб бундайдир:

1. Қаноатли кишилар.

2. Ўз сўзидан қайтмайдиганлар.

3. Олим ва ҳунар соҳибларини қадрлайдиганлар.

4. Хиёнат ва номардликдан нафрат этадиганлар.

5. Яхши хулқли назокатли кишилар.

6. Ҳазаб вақтида ўзини қўлга оладиганлар.

7. Сахийлар.

8. Бадахлоқ одамларнинг айшу ишрат мажлисларидан нафратланувчилар билан дўст бўлувчиларнинг йўли саодат йўлидир[1]”.

Юқоридаги баёнлардан гувоҳи бўлганимиздек, қадрият тушунчасига оид бўлган тузилиш жиҳатидан кадр-қиммат, қадрли сингари турлича бўлган бир қатор ёндош тушунчалар билан бирга келтириб ўтилган.

Тадқиқотимиз давомида гувоҳи бўлдикки, ушбу парчаларга оид келтирилган мисолларда миллий қадриятни ифода этувчи сўзлар мавжуд эмас.

Ўзбекона миллий қадриятларни ўрганар эканмиз, ушбу ўринда айтишимиз жоизки, **“миллат”** лексемасини 34 ўринда кузатишимиз мумкин. Бунда миллат тушунчаси, асосан, **миллат саодати, миллатнинг равнақи, миллатимизни ҳимоя қилиш, миллат қайғуси, миллатларнинг кучи ва шавкати, миллатимизнинг шараф-уътибори, миллат шаъни, миллат тақдири, миллат фожияси, миллат фарзандлари, миллат ва дин** каби асосан икки таркибли сўзлар қолаверса қатор ёндош тушунчалар, бошқача айтганда ўзаро чамбарчас боғлиқ **лингвокультуремалар** билан бирикиб келади.

Масалан, қуйидаги жумлада юқорида номи зикр этилган миллат сўзи билан боғлиқ ёндош тушунчалардан бири бирикиб келган асардан парча келтирилган.

“Гарчи миллионлаб осийликлар, африкаликлар ҳам шу мамлакат фуқароси ҳисоблансалар-да, айти шу миллат шаънини белгиламайдилар. Фикримизнинг исботи учун шу мамлакатлар футбол терма командаларига назар ташлайлик: асл инглизларга нисбатан келгинди халқлар вакилини кўпроқ учратамиз. Илгари бу мамлакатларнинг мустамлакачилари осийлик ва африкаликларни зўрлаб, қул қилиб ҳайдаб келган бўлсалар, эндиликда бу қитъалардан ёпирилиб келаётганлар йўлини тўсолмай гаранлар. Таъбир жоиз бўлса, қадим қулларнинг авлодлари бугунга келиб қулдорлар юртини забт этиптилар[1].”

Жорий баёнларга қўшимча равишда миллатга хос сифатларни англаувчи **“миллий”** лексемаси эса ушбу асарнинг дастлабки қисмида қўллангандир ва ушбу ўринда бу тушунча **“миллий зиддият”** ва **“миллий адоват”** тушунчаларини изоҳлашда қўлланилган. Ваҳоланки, айти лексемани **миллий қадриятлар** билан боғловчи кўплаб тушунчаларни бириктириш орқали янада ёркин ифодалаш мумкин: **миллий маданият, миллий менталитет, миллий тил, миллий анъаналар, миллий урф-одатлар, миллий байрамлар, миллий модел, миллий давлатчилик...**

Юқоридаги фикрдан англаганимиздек, миллий қадрият тушунчаси фақатгина бир

маъно касб этиб қолмай, ўзида халқнинг тили, анъаналари, урф-одатлари, байрамларига хос бўлган тилнинг лексик қатламидаги бир қатор лексемаларни ўзида мужассам этади[2].

Ўзбекларнинг миллий қадрияти ҳақида фикр юртилиганда албатта, тарбия ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Сабаби, ота-онани ҳурмат қилиш, катталарга ҳурматда кичикларга эса иззатда бўлиш, салом бериш каби бир қатор хусусиятлар айнан тарбияга бевосита боғлиқдир. Ушбу асарда “тарбия” лексемаси 170 ўринда қўлланилган бўлиб, у отлар, феъллар, сифатлар ҳамда икки таркибли бир талай сўз бирикмалари орқали ифода этилади.

1. “Тарбиядан ташиқаридаги бола бебош ва ярамаслик сари оғади. Эрка бўлиб ўсган ўғил-қизлар хатти-ҳаракати ота-онага мунг ва алам келтиради. Шу боис ҳам Абдулла Авлоний таъкид этганларидек: **“тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур”** дейилмиш фикрни барчамиз бирдек ишор сифатида қабул қилмоғимиз лозим бўлади[1]”.

2. “Биродарларимиздан бири мақтанди: “синфдошларимиз билан дўстлигимизни ҳеч бузмаймиз. Ҳар куни ишдан кейин фалончи ўртоғимизникида учрашамиз, чой-пой ичиб, шахмат-нардни ўйнаб, телевизор томоша қилиб, кечқурун баъзан ўн бир - ўн иккигача ўтирамиз...” Албатта дўстликни узмаслик яхши, бироқ, оила бағрига барвақт бориш ундан аълороқ. Ҳар куни уйига кеч борса, болалари бу вақтда ухлаб қолган бўлади. Тарбия билан қачон шуғулланади? Назаримизда бу биродарларимиз дўстликни мустаҳкамлаш ҳақида нотўғри тушунчага эгалар, оила, фарзанд тарбияси, деган тушунчадан эса бутунлай маҳрумлар. Ҳаёт - имтиҳон эканлигини аввалги бобда айтиб эдик, яна шу мавзуга қайтсак: имтиҳон бор жойда бурч, жавобгарлик, масъулият бўлади. Инсон ана шу масъулият билан дунёга келади. Барчамиз зиммасига омонат юклатилган, имтиҳонда турган инсонлармиз. Бу дунё наишғали, аммо асл жойимиз эмас. Биз фарзандларимиз тақдири учун ҳужайраларнинг энг олис нуқтасигача, вужуднинг ҳар бир заррасига қадар жавобгар бўлган кишилармиз. Ўзимиз жаннатга кирсагу азоб фаришталари фарзандларимизни жаҳаннам ўтига отсалар,

юрагимиз бардош берармикин? Агар бирон киши фарзандимизнинг қўлига чўғ босаман, деса хотиржам қараб турамизми? Ўйлаб ҳам ўтирмасдан ҳимояга таишланамиз! Хўш, нима учун жигарбандларимизни дўзах ўтларидан ҳимоя қилишни ўйламаймиз? Бу бир масала. Иккинчи масала - дўзахий фарзандларни “тарбиялаган” ота-онага жаннат насиб этармикин? Бу ўринда жумла тузишида хатога йўл қўйдик: эҳтимол “дўзахий болаларни “тарбиялаш” эмас, “болаларни дўзахбоп қилиб тарбиялаш” десак тўғрироқ бўлар? Йўқ, энг тўғриси “болаларни умуман тарбия қилмаган[1]”...

3. “Отанинг фарзандга меҳри-муҳаббати чексиздир, чунки у фарзандини ўз сурагидан кўчирилган нусха, деб англайди. Зотан, отанинг тасаввури тўғридир. Фарзанд отанинг бир жузъи, сурагидан, хулқ-атворда унга ўхшайди. Шунинг учун ота фарзанди тарбиясига диққат қилади. Ўзи истаган фазлу камолни фарзандига беришга, уни ўзидан кўра ҳам мукамал қилиб етиштиришга ғайрат қилади. Шу мақсад йўлида ҳар қандай машаққатга бардош беради. Фарзанди ҳақида халқдан: **“Тарбия қилган отасига раҳмат!”** деган олқишнинг эшитса, севинади. Фарзанди орқали кўзлаган мақсадига етишни истайди, неварга, эваралар кўриб, наслининг давом этишини орзу қилади. Бу ўринда отанинг ўғил кўрганда қувониши сабабига изоҳ бериб ўтсак: албатта ота учун қиз фарзанд ҳам ўғил фарзанд ҳам бир хилда суюмли. Иккови ҳам Аллоҳ берган улуг неъмат саналади. Аммо ўғил фарзанд насл-насабни давом эттирувчи бўлгани учун ҳам отада алоҳида қувонч уйғонади. Қувонч сабабини қизларни камситишда деб англамаслик керак[1]”.

Тарбия масаласи шахсни камол топиб, етук инсон бўлишига кўприк вазифасини бажаради. Юқорида айтиб ўтилганидек, тарбияли бола ҳар қаерда ота-онасига раҳмат ва олқиш олиб беради. Фарзанд тарбияси уйдан бошланади, кейинчалик таълим муассасаларида сўнг эса инсонни ўзи нафсини, виждонини тарбиялайди. Фикр қилиб айтишимиз мумкинки, тарбия инсонга бутун умри давомида ҳамроҳ бўлгувчи шерикдир. Шунинг учун ҳам тарбияга алоҳида эътибор қаратилади, хаттоки ушбу концептнинг миллий қадрият сифатида талқин этилади[3].

Таълим-тарбия билан ҳамоҳанг тарзда қўлланилувчи ахлоқ лексемасига ёзувчи ушбу

асарда алоҳида диққат-эътиборини қаратган. Қўйида шу хусусида фикр юритамиз. “Ахлоқ” лексемаси, ўз ўрнида, 93 марта қўлланган бўлиб, **ахлоқ, одоб-ахлоқ, ахлоқсизлик** жуфт, ясама ва содда отлари;

Ахлоқли, ахлоқсиз, “Ҳассину ахлоқақум”, “ахлоқи замима”, ахлоқан, хушахлоқ, хушахлоқли, бадахлоқ каби сифатлар;

Ахлоқланмоқ феъли орқали ифода этилган.

Бундан ташқари, “**ахлоқ**” концепти атрофида **Ислом ахлоқи, гўзал ахлоқ, ахлоқ тарбияси** каби тушунчалар ҳам келтирилади.

4. Абдулла Авлоний ҳазратлари ёзган эканлар: “Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак - танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдир. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига “яхши хулқ” деган давони ичидан, “поклик” деган давони устидан беруб, катта қилмак лозимдур. Зероки, “**Ҳассину ахлоқақум**” амри шарифи узра хулқимизни тузатмакка амр ўлинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур... Ҳукамолардан бири: “**Ҳар бир миллатнинг саодати**, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши **тарбиясига** боғлидур”, - демиш. Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак - оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядир...[1]”

5. “Киши Исломга кирди, беш вақт намоз ўқияпти, дегани ҳали Ислом ахлоқини эгаллади, деган гап эмас. Намозини ўқиб, гийбатдан бўшамайдиганлар озми, бошқаларга зулм қилувчилар-чи? Поранинг номини “ҳадя” деб ўзгартириб, ҳаромдан қайтмаётганлар-чи? Ҳа, мусулмон, агар ўзини ўзи тарбия этолмаса оқибатда бу ёмон одатларнинг қулига айланиб қолиш эҳтимоли ҳам бор. Кин, адоват, ҳасад, кибрланиш, бахиллик... кабилар ёмон одатлардан эканини ва булар “**ахлоқи замима**” деб аталишини биламиз, аммо афсуски, ундан қутулишга ҳаммамиз ҳам рағбат қилмаймиз, намозимизни ўқиб юраверамиз. Бир биродаримиз бошқа биров билан аччиқланиб қолса, дарров портфелидан жойнамозини чиқариб: “**нима деяпсан, мен намоз ўқийман!**” деб даъво қилади. Биз буни Ислом ахлоқи, дея

оламизми? Албатта йўқ! (Бу ўринда муҳтарам суҳбатдошларимизга узримизни ҳам айтиб ўтмоғимиз лозим: иллатларни тилга олган кезларимизда булар Ислом динига тааллуқли деган фикр зинҳор ҳаёлингизга келмасин[1]).

Юқоридаги парчаларда гувоҳи бўлганимиздек, ахлоқнинг қандай бўлиши миллатнинг келажагига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди[5]. Шунинг учун ёзувчи тарбия, ахлоқ, хулқ лексемаларини алоҳида таъкидлаб ўтган. Шу ўринда айтиш жоизки, “**хулқ**” лексемаси 37 ўринда қўлланилган бўлиб, **хулқ, хулқ-атвор, кажхулқ, кажхулқлик, хушхулқ, хўйлук** каби отлар; **хулқли** каби сифати орқали ифодаланади. Бундан ташқари, **хулқ сўзи яхши хулқ, ёмон хулқ, гўзал хулқ** тарзида яхши, ёмон, гўзал каби сифатлашлар орқали инсон хулқининг турлари тўғрисида сўз юритилади. Шу ўринда, **хулқ** ва **ахлоқ** сўзларини ҳам таққослаб ўтишни лозим топдик. Кузатишларимиз давомида **хулқ** бу умумий маънода кишиларга хос бўлган одоб меъёрларининг тўпламини билдирса, **ахлоқ** лексемаси кўпроқ ижобий маънога эга бўлиб, яхши, гўзал хулқни ифодалайди деган хулосага келдик.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу мақолада миллий кадриятни ифода этувчи тил бирликлари статистик таҳлил орқали тадқиқ этилган.

Қўйида **хулқ** лексемаси акс этирилган жумлага юзланамиз.

“Бадиуззамон мирзо мундин туғиб эди. Қўп **кажхулқ** эди. Султон Ҳусайн мирзони кўп оғритур эди. **Кажхулқлигидин** мирзо батанг келди, охир қўйди ва халос бўлди, не қилсун ҳақ мирзо жониби эди. Зани бад дар саройи нақў. Ҳам дар ин олам аст дўзахи ў. (Дейилмоқчиким: яхши кишининг хонасидаги ёмон хотин шу дунёнинг ўзидаёқ унинг дўзахидир.) Тенгри ҳеч бир мусулмонга бу балони солмағай. Ёмон **хўйлук, кажхулқ** хотун илоҳий оламда қолмағай[1]”.

Юқоридаги тарбия, ахлоқ, хулқ лексемаларга қўшимча равишда “**одоб**” лексемаси “Одамийлик мулки” – ахлоқ китобининг биринчи қисмида 30 ўринда қўлланилган бўлиб, **одоб-ахлоқ, одобли, одобсиз, одоблилик, одобсизлик** каби турли содда ва қўшма отлар, шунингдек, сифатлар орқали ифода этилади.

“Одобн сўфий”, яхши одоб, одоб бойлиги, одоб кунун-қондалари...

“Абулҳасан Хирқоний ҳазратлари **«Одобн сўфий»** номли китобларида ёзишлари, мазкур бу икки гуруҳ замонда охирида чиқиб жуда кўп бўлишар. Яна мазкур китобда ёзилмиш, бу икки гуруҳ йўлдан озганлардир ва йўлдан оздирувчилардир. Шариат аҳли олдида уятлидир. Ишонсинлар, деб неча ақлсизлар ул мазҳабнинг тобелари Хожа Аҳмад Яссавийдан нақл қилурлар, яъни «бизнинг силсиламиз Хожа Аҳмад Яссавий», дерлар ва шу билан халойиқни алдамоқ истарлар. Ажаб! Хожа Аҳмад Яссавий Аллоҳ таолонинг дўсти (валий) бўлса-ю, бунчайин бидъат ва ёвуз ишларни қиладими?! Асло! Улуг авлиёдан бундайин қуфр ишлар келмас! Нозими китоб айтадики, Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари шариатнинг қуёши, яъни қомилу мукамал эрдилар. Ул зотнинг номини булғаб келаётган бу гуруҳ Аллоҳнинг раҳматидан йироқ ва уларнинг ишлари аҳли суннат ва жамоат ишидан айрилгандир. Шунинг учун улар кофирдирлар. Пайгамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қиладиларки: «Қиёмат кун бўлса, «оманно биҳи ва садақно» - жон билан тан бир-бирига қўшилиб қабрдан турсалар, ҳар ким ўзининг яхши кўрган гуруҳи билан бўлади[1]”.

“Одоб” сўзининг вариантдоши ҳисобланган **“Адаб”** сўзи ушбу китобда 19 ўринда қўлланилган бўлиб, қуйидаги парчада Алишер Навоий ҳазратларининг ота-она хизматини адаб билан бажаришимиз лозимлиги тўғрисидаги ҳикматни кўрамиз:

“Тун-қунунгга айлагали нур фоиш, Бирини ой англа, бирисин қуёш. Сўзларидин чекма қалам ташқари, Хатларидин қўйма қадам ташқари. Бўлсун адаб бирла бори хидматинг, Ҳам қил адаб “дол”и киби қоматинг. Дейилмоқчиким: Туну қунингга нур бериб турган бирларини ой деб бил, иккинчиларини эса қуёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиқдан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматни сен адаб билан бажар, **“адаб”** сўзидаги “дол” ҳарфи каби қоматингни улар ҳузурида эг[1]”.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Юқорида келтирилган баёнлардан хулоса қилиб айтишимиз жоизки, ушбу китобда палов, атлас, адас ёинки сумалак

сингари миллий қадриятларимизни яққол акс эттирувчи лексемалар қўлланмаган бўлса ҳам, миллийлигимизни англаувчи, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган тарбия, ахлоқ, ҳулқ, одоб сўзлари алоҳида турли ўринларда акс эттирилган. Номлари зикр этилган бирликлар ҳисобланмиш инсонга хос тушунчалар ҳам миллийлигимизни намоёниш этувчи воситалардир.

Ўзбек халқи орасида ёшликдан бола тарбияси, одоб, ахлоқига эътибор бериш, баркамол шахс бўлиб етишишига алоҳида эътибор қаратилади[4]. Хаттоки, ўзбек аёллари болани қориндан бошлаб тарбия қилишлари эътирофга лойикдир. Шу ўринда бола қориндалигида қандай тарбия қилинишлигига изоҳ бериб ўтишимиз жоизки, улар қуйидаги баёнларда намоён бўлади. Онанинг ёлгон сўзламаслиги, яхши сўзлар сўзлаши, чиройли муомалада бўлиши, катталарни ҳурмат қилиши, бировнинг молини бесўроқ эмаслиги шулар жумаласидандир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, миллий қадриятларимиз абадийдир. Сабаби, бизнинг халқимиз бола қориндалигидан тарбия қилинса, келажакда одобли, яхши ҳулқ соҳиби бўлади, бундай шахслар эса албатта, барча қадриятларга эътиборли бўлиб, урф-одатларни сақлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Tohir Malik. Odamiylik mulki. First book. – Tashkent: “Istiqlol” publishing house, 2005.
2. Rikhsivayevna S. B. (2021). Structural And Semantic Aspects of Lexemic Units Expressing National Value in English and Uzbek Languages. Eurasian Research Bulletin, 2, 37-39.
3. Шамсематова Б. (2022, March). Миллий қадриятларни ифодаловчи тил бирликларининг лингвостиланик аспектида ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти // International Congress on Models and methods in modern investigations.
4. Khasanova, D. (2020). Importance of communicative activities in conducting english classes based on islamic topics // Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования. – P. 137-141.
5. Shamsematova B. (2021, April). Value as an axiological component of the linguistic picture of the world // Конференции.